



## ЎЗБЕК ТИЛИДА ИНТЕРНЕТ ЛУҒАТЛАРНИ ЯРАТИШ ДАВР ТАЛАБИ

*Валиев Туйчи Қоржовович,  
ҚарДУ катта ўқитувчиси*

**Калит сўзлар:** лексикография, киберлексикография, интернет лугати, энциклопедия, электрон лугати, кибернетика, компьютер, машина, корпус, информатика, киберлексикографик корпус, ахборот, автоматик усул, оптимал технология, замонавий информацион технология, лексикографик дастурлар.

Ҳар қандай жамиятнинг муайян тараққиёт босқичига кўтарилиши илм-фан ривожига янги муносабатда бўлишни тақозо этади. Зеро, жамиятдаги ривожланиш, тартиб-қоидалар, мулкка эгалик қилиш одамлар онги ва тафаккурининг ўсишига, бир вақтнинг ўзида, эҳтиёжларининг тобора ошиб боришига сабаб бўлади.

Ижтимоий муносабатлар қанчалик ривожланган бўлса, ишлаб чиқариш, техника ва технология ҳам шунчалик юксалган бўлади, бу эса, ўз навбатида, ижтимоий тараққиётнинг даражасини белгилайди. Жамият тараққиёти ижтимоий омилларнинг ривожланишига боғлиқ бўлса, жамиятнинг ҳолати ундаги ижтимоий муносабатлар билан белгиланади. Ижтимоий муносабатларнинг ривожини, ўз навбатида, ишлаб чиқарувчи кучларнинг, техника ва технологиянинг равақига олиб келади.

Тараққиёт негизида иқтисодий муносабат ва омиллар етакчи роль ўйнайди. Ижтимоий-иқтисодий омиллар ва унинг бошқа шакллари бир-бирини тўлдириб, яхлит тизимни ташкил этади. Жамиятда ижтимоий меҳнат тақсимооти асосида кишиларнинг эҳтиёжларини қондириш учун керак бўладиган неъматларни яратишга йўналтирилган фаолият амалиётда намоён бўлади. Ривожланиш натижасида ялпи ички маҳсулот ва миллий даромад юзага келади. Бу эса жамият аъзолари билан биргаликда, иқтисодий тафаккур ва фаолият омилларини белгилайди. Демак, маълум бўладики, жамият тараққиёти ижтимоий омиллар билан чамбарчас боғлиқ экан,

ижтимоий муаммолар билан шуғулланувчи тилшунослик фани ривожига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Масалан, тилимизнинг ички имкониятларини ахборот технологиялари тизимида етарли даражада ишга солиш долзарбланиши фикримизнинг далили. Айниқса, ўзбек тилининг замонавий киберлуғатларини яратиш долзарб масала бўлиб, бу ўзбек лексикографиясининг, унинг маҳсули сифатидаги миллий Интернет луғатларининг жаҳон виртуал олами билан боғланиш ва улардан озикланиш имконини беради.

Лексикографиянинг янги йўналишини ифодаловчи киберлексикографияни йўлга қўйиш эҳтиёжи тадқиқотчилар зиммасига аниқ вазибалар юкламоқда. Бугунги кундаги тараққиёт ўзбек тилшунослигининг киберлексикография соҳасини ривожлантириш, унинг имкониятларидан амалий фойдаланиш ва бу тармоқнинг самардорлигини оширишни талаб қилмоқда. Техник ва технологик зарурият ҳамда эҳтиёж бу соҳанинг пайдо бўлиши ва жадаллашувига олиб келди. Технологик жараёнларнинг шиддатли тус олиши натижасида олиб борилган турли усулдаги тажриба ва илмий ёндашувлар тилшуносликда киберлексикографиянинг энг замонавий ва самарали усулларини яратишга устувор тус бермоқда.

Фан ва техника ривожланиб борган сари ўзбек тилшунослиги ва унинг тармоқлари ҳам янгилашиб, такомиллашиб бораверади. Киберлексикография соҳасининг шаклланишида илмий-назарий тадқиқотлар, технологик лойиҳа ва



стандартлаштирилган ягона тизимлар белгиловчи омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Техник-технологик ёндашувнинг кучайиши, техникада янги тармоқларнинг вужудга келаётганлиги киберлексикографиянинг пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Техник-технологик ёндашув полиграфик луғатлардан воз кечиб, электрон луғатлардан фойдаланиш заруратини кучайтирмоқда. Электрон луғатлар фойдаланувчилар учун қулай бўлиб, иқтисодий тежамкорлик билан бир қаторда, ундан истаган тил ҳодисасини тез кидириб топиш, таҳрир қилиш, турли вариантларидан, таржималаридан фойдаланиш имконини беради. Энг муҳими, у очиқ бўлиб, доимий янгилаб бориш хусусиятига эга бўлади.

Киберлексикография соҳасини ривожлантириш киберлуғатларнинг ўзбек тилидаги тўлиқ ва тўлақонли базасини яратиш, автоматик таҳрирлаш, ўзбек тилидан бошқа тилга ёки аксинча таржима қилувчи мукамал дастурларни яратишни тақозо этади.

Киберлексикография компьютер таржимаси, таҳрири, таҳлили, электрон луғат ва тезаурус, тил корпусларини яратишда ҳам аҳамиятли. Айниқса, замонавий электрон луғатлар тузиш ва ундан фойдаланиш маданиятини шакллантириш тил имкониятини эгаллашда самарадор эканлигини таъкидлаш жоиз. Хуллас, киберлуғатлар тил имкониятини нисбатан тўла ва кенг қамровли намоён қилиш ва эгаллашда анъанавий воситалардан кескин фарқ қилади. Бу мамлакатимизда фан ва техниканинг жадаллашуви натижасида тилшунослик бўйича тадқиқотларга янги турдаги техника ва технологияларни, машина ва аппаратларни, электрон асбоб-ускуналарни жорий этиш тезлашувини тақозо этади.

Ўтган даврда ўзбек лексикографияси бўйича амалга оширилган тадқиқотлар ҳам самарали бўлди. Бугунги кунда бир қанча кўп томли

энциклопедик ва янги типдаги соҳа луғатлари яратилди. Ўзбек лексикографиясида кўлга киритилган ютуқлар ва давр талаби лексикологиянинг янги замонавий йўналиши ҳисобланадиган киберлексикографик тадқиқотлар асосида замонавий виртуал луғатлар яратишни талаб этмоқда. Ахборот технологиялари асрида юз бераётган фан-техника тараққиёти киберлексикография соҳасини луғатшунослик ва луғатчиликнинг илғор йўналиши сифатида шакллантириш заруратини кун тартибига қўймоқда. Айниқса, ўзбек компьютер киберлексикографиясини йўлга қўйиш бу борадаги илк қадамлардан бўлиши шубҳасиз. Замонавий тилшуносликнинг ютуқлари асосида бугунги кунда ўзбек тили луғатларини компьютер технологиялари асосида қуриш ва қайта ишлаш, унинг қўлланишини маълум бир шароит, вазият учун моделлаштириш, она тилимиз компьютер моделларини лингвистика ёки бошқа соҳаларда қўллаш, техника таржимаси кабилар бўйича эришилаётган сезиларли ютуқлар киберлексикографияни йўлга қўйишга олиб келмоқда. Хусусан, ўзбек лексикографиясининг бугунги ҳолати унинг ҳатто тил корпуслари яратишга ўтилаётганлиги билан аҳамиятли.

Истиқлол арафаси ва мустақилликнинг илк даврида мамлакатимизда тилга ижтимоий ва сиёсий муносабат ҳам такомиллашиб борди. Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши, давлат тили ҳақидаги қонуннинг қабул қилиниши жамият аъзолари онгида ҳам она тили, миллий тилга муносабат борасида жиддий ўзгаришлар ясади. Қолаверса, республикамиз ҳаётининг барча соҳаларида юз бераётган катта ўзгаришлар, ривожланган жуда кўп мамлакатлар билан алоқаларнинг тобора кучайиб бораётганлиги қисқа вақт мобайнида ўзбек тили, хусусан, унинг лексикаси ривожига сезиларли таъсир кўрсатди. Шунингдек, лексикография



соҳасида эришилган муайян ютуқлар, давр талабларидан келиб чиққан ҳолда, луғатчиликнинг янги назарий муаммоларига ҳам эътибор қаратишни тақозо этмоқда. Улар сирасида киберлексикография ва киберлуғатчилик муаммоси алоҳида ўрин тутди.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида ривожланган хорижий мамлакатларда кибернетика фани шиддат билан ривожланиб, унинг натижалари ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этила бошлади. Ишлаб чиқариш жараёнида синовдан ўтган замонавий технологиялар уларнинг янада такомиллаштирилиши, кибернетика соҳасида янгидан-янги тадқиқотларнинг вужудга келиши учун замин яратди.

Ахборот технологияларининг ривожланиши жамият аъзоларидан техника ва технологияни пухта ўзлаштиришни, электрон луғатлар яратиш ва уларни самарали қўллаш, тадқиқотлар олиб бориш, ахборотни қайта ишлаш, улардан тўлиқ фойдаланиш кўникмаларига эга бўлишни талаб этади.

Ахборотни қайта ишлаш жараёнига автоматик усулларни татбиқ қилиш лексикология, лексикография соҳасида ҳам компьютер имкониятлари асосида махсус оптимал технологиялар асосида ишлашни, луғатчиликка замонавий инфорацион лексикографик дастурларни фаол қўллашни тақозо этади.

Лексикография соҳасининг компьютерлашиши шуни кўрсатадики, фақат электрон луғатлар лексеманинг бутун моҳиятини тезкорлик билан ўқувчига етказиш имкониятини беради.

Жамиятни ахборот технологияларининг қамраб олиши лексикографияда замонавий – киберлексикография йўналишининг пайдо бўлишига тurtки берди. Маълумотларни қайта ишлаш тартибини автоматлаштириш, янги фаол лексикографик системаларни яратиш, бунинг натижаси сифатида анъанавий луғатлардан автоматлашган (электрон) луғатлар яратишга ўтиш жараёни

тезлаштиришни тақозо этди. Шу боисдан ҳам луғат тузишда ахборот технологияларидан кенг фойдаланилишга, уларни интернетда жойлаштириб, кейинги ўринда алоҳида соҳалар бўйича китоб шаклида фойдаланиш учун дастурлаш авж олди.

Замонавий лексикографиянинг илғор соҳаси компьютерлашган Интернет луғати ёки киберлексикографиядир. Бу интернет луғатларни тузиш ва матн билан ишлашга имконият яратади. Киберлуғатлар қидирув тизими асосида ахборотларни тез ва сифатли олишга хизмат қилади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида кибернетика “кибернетика [юн. *kibernetike (techne)* – бошқариш, дарғалик (махорати)] 1 бошқарув жараёнлари ҳамда машиналар, тирик организмлар ва жамиятда ахборот маълумот узатишнинг умумий қонуниятлари ҳақидаги фан. Техникавий кибернетика. Иктисодий кибернетика. Тиббиёт кибернетикаси. Кибернетиканинг техник асосини электрон ҳисоблаш машиналари ташкил этади. 2 Информатикада: ахборот – маълумот олиш, сақлаш ва уни қайта ишлашнинг умумий қонунлари ҳақидаги фан” [10, 363] сифатида изоҳланган бўлиб, бугунги кунда у “виртуал луғатлар, улар билан ишлаш ҳамда яратиш технологиялари” мазмунида оммалашмоқда. Бунда соҳани Интернет тизими доирасида идрок этиш лозим.

Бу ном XX асрнинг охирига келиб оммалашди. М.Карр киберлексикография (*cyberlexicography*) атамасини “луғатларни тузиш ёки яратишда Интернетдан фойдаланиш” деб таърифлаган. [2, 209-221]. Интернетда куйидаги таянч сўзлар ёрдамида қидирув компьютер дастурлари билан танишиш мумкин (“Alta Vista”, “Excite”, “Hotbot”, “InfoSeek”, “lycos”, “Open Text“, “WebCrawler”, “InferenceFind”). Интернетда фойдаланувчига қидирувни енгиллаштирувчи бир нечта турли қидирув серверлари ёки маълумот – қидирув системалари (МҚС) мавжуд ва улар бир



нечта гуруҳларга бўлинади: қидирув машиналари, мета-қидирув машиналари, гуруҳлар ва қисмлар маълумотномалари.

Машҳур ва салмоқли Маълумот қидирув системалари (МҚС) Alta Vista, excite, Hotbot, InfoSeek, Lycos, Magellan, OpenText, Yahoo! ва Web Crawler кабилар ҳисобланади. Интернетда энг тўлиқ каталоглардан бири “Yahoo!” ҳисобланади, чунки унда 500 мингдан ортиқ маълумот материаллари мавжуд.

Интернетда барча тиллар бўйича турли лексикографик маълумотлар ҳам тақдим этилган: лингвистик, бир тилли, икки тилли, умумий ва махсус луғатлар. Масалан, Merriam-Webster English Dictionary, American Heritage Dictionary of the English Language, Cambridge Dictionaries Online шулар жумласидандир [1].

Интернетда тақдим этилган кенг тарқалган маълумотномалардан бири киберэнциклопедиялардир. Бу турдаги энциклопедик луғатлар ҳам умумий ва махсус луғатларга бўлинади. Интернетда умумий (Encyclopedia Americana Online, Encarta) ва махсус (The Encyclopedia Mythica, The Encyclopedia of Canadian Theatre on the WWW, standard Encyclopedia of Psychology, Glass Encyclopedia.) энциклопедик луғатлар кенг қўлланишда [2].

Компьютер лингвистикасига кизиқиш дастлаб 1956-1965 йиллар оралиғида АҚШда шаклланган (Georgetown University Machine Translation

Research and Language Project) [3]. Электрон маълумотлар асосида кўпгина (Random House Dictionary, 1966, American Heritage Dictionary, 1969, Webster’s eighth Dictionary, 1973, Collins COBUILD Dictionary, 1979) каби электрон луғатлар яратилган. Ҳозирча шу асосда кўпчилик тилларда электрон луғатлар яратиш борасида кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилган. Н.А.Сивакова, С.А.Стройков, С.В.Левонисова, С.С.Субботенко [9], Е.В.Жучкова [8], П.И.Сергиенко [6], И.Н.Савченкова [5], Г.Г.Бабалова [7] каби бир қанча олимлар электрон луғат яратиш усуллари устида салмоқли тадқиқотларни амалга оширишган. Киберлексикография интернет электрон луғатларни – умумий ва махсус турдаги академик, энциклопедик ва лингвистик (general-purpose и special-purpose dictionaries, Free Internet Encyclopedia) луғатларни яратишнинг назарий асосларини ўзида ифодалайди. Бугунги кунда “Yahoo!” лойиҳаси доирасида 50 турдаги қарийб 500 та сайт мавжуд бўлиб, уларда луғатлар хазинаси тўла ва умумий тарзда жойлаштирилган, улар алоҳида билимлар соҳаси бўйича махсус қўлланмалар сифатида тартиблаштирилган [4].

Кибер луғатчиликнинг ривожининг унинг ёрқин намунаси бўлган корпусларнинг яратилишига олиб келди ва лексикография соҳасини янги чўққиларга олиб чиқди. Киберлексикографиянинг бу ютуғи шарҳи алоҳида мавзу объекти бўлади.

### Адабиётлар

1. Бабалова Г. Г. Системно-аспектуальное функционирование компьютерной терминологии: Дисс. докт. филол. наук. – Омск, 2009. – 380 с. <http://www.dissercat.com/content/>
2. Жучкова Е.В. Моделирование отраслевой словарной типологии на материале словарей по психологии в русском и английском языках: Дисс. Канд. филол. наук. – Екатеринбург, 2008 / <http://www.dissercat.com/content/>
3. Контекстологический словарь как элемент обучающих систем: диссертация ... кандидата филологических наук. – Москва, 2005 / <http://www.dissercat.com/content/>
4. Левонисова С.В. Компьютерный словарь как средство изучения английского языка студентами неязыковых специальностей вузов: Дисс. Канд. пед. наук. – Москва, 2004 / <http://www.dissercat.com/content/>



5. Савченкова И.Н. Локально ориентированный учебный словарь русского языка для иностранцев: принципы построения и структура: Автореф. канд. филол. наук. – Ростов-на-Дону, 2012. – 25 с. <http://www.dissers.ru/1filologiya/>
6. Сергиенко П.И. Лингвокогнитивные особенности электронного гипертекст: Дисс.... канд.филол.наук. – Москва, 2009.
7. Сивакова Н.А. Лексикографическое описание английских и русских фитонимов в электронном глоссарии : Дис. ... канд. филол. наук : 10.02.21 : Тюмень, 2004.
8. Стройков С.А. Лингвопрагматические характеристики англоязычного электронного лексикографического гипертекста (на материале словаря-энциклопедии «[The Free Dictionary](#)»): Автореф... канд филол.наук. - Самара, 2008.
9. Субботенко С.С. Языковая и жанровая специфика немецких электронных биржевых текстов: Дисс. Канд.филол.наук. – Курск, 2010 / <http://www.dissercat.com/content/>
10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 363.
11. Car M Internet Dictionaries and Lexicography//International Journal of Lexicography . 1997 .Vol.10.№3.C.209-221.

**Валиев Т. Требования современности к составлению узбекскоязычных интернет словарей.** В настоящее время огромное значение имеет создание словарей национального киберузбекского языка. Узбекские национальные интернет словари, как плод узбекской лексикографии, имеют огромное значение для выхода на всемирную виртуальную сеть.

**Valiyev T. The demands of the present time to compiling Uzbek internet dictionaries.** At the present time it is of utmost importance to create cyber dictionaries in the Uzbek language. Uzbek national online dictionaries, as the results of the Uzbek lexicography, are of great importance to enter the global virtual network.

---